



PAXTACHI TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI

14«12»2022 yil.

2431-7-102-TB/2022-son

OLDI-SOTDI SHARTNOMASI

"Миркент Баркамол Ёшлар МЧЖ" кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи устави номидан Л.Норқулов бир томондан, ва "Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси" кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи У.У.Суванов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Баҳоси
1	Профнастил 0,37 мм	Метр ²	211,20	62000	13094400
	Жамм.				13094400

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси- 13 094 400 (Ун уч миллион тўксон тўрт минг турт юз) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинadиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида

далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди.

5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан копланadi.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «12» декабрдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўлади.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иктисодий суди тартибида ҳал қилинади.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иктисодий судда ҳал қилинади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

8.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни қафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9. ФОРС – МАЖОР

9.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар,ноқулай об-хаво шароити,ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

9.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси

туғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

10.3 Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик бўлинимасидан белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сўнг қонуний қўчга қиради

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

"Миркент Баркамол Ёшлар МЧЖ"
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Пахтачи тумани

Тел./факс:
х/в: 20208000800450105001

МФО: 00298 СТИР: 303265094

ОКОНХ:
Банк: Микрокредит банк зиёвуддин ф

«Сотиб олувчи»

Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзили: Бустон МФЙ

Тел./факс: +99866 403-46-49

СТИР: 200770192
ОКОНХ: 91511

Пахтачи тумани бўйича Ҳазначилик бўлинимаси :
Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Ҳазна х/в: 400322860182307073101054002
Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк
ХККМ
МФО: 00014

Раҳбар

Л.Норкулов



Раҳбар:

У.У.Суванов

(имзо)

М.Ў.



Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	ULUG'BEK SUVANOV UXTAMOVICH
Imzolangan sana	14.12.2022 17:56
Hujjat kodi	GI3765877735
Hulosa kodi	NS1080253818

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

NS1080253818

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **oldi sotdi shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "PAXTACHI TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Paxtachi tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



B.R.QAZOQOV

14.12.2022